

24-сонли  
ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Кегайли тумани

"21" октябрь 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Кегайли тумани Ободонлаштириш бошқармаси номидан Низом асосида иш юритувчи директор **XOSHANOV MAXSETBAY SARSENBAEVICH**, бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **"MAX ELIT STROY" mas'uliyati cheklangan jamiyati** номидан Устав асосида иш юритувчи директор **ALLASHOV ALISHER JOLDASBAYEVICH**, иккинчи томондан, «Кегайли тумани, Актуба ОФИ худудидаги Досым ата мозори ёнидаги трассадан мазоригача ва атропидаги йуллар 0-0,085 км ички йулларни таъмирлаш» ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуидаги таърифлар қўлланилади:

**ижро хужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект реконструкция қилишга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айrim маъсъуиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

**курилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтингчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар кандай типдаги вақтингчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиши** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича обьектда реконструкция қилиш ишларини лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Субпудратчига реконструкция қилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича обьектнинг қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нархда тахминан **205 874 012** (Икки юз беш миллион саккиз юз етмиш турт минг уи икки) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуидаги ҳоллар бундан мустасно:

- обьектнинг (ундаги сунъий иншоотлар, кўприклар ва тонелларнинг) реконструкция қилиш ишлари қийматини кўпайтиришига енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгаририлганда;

- обьектнинг реконструкция қилиш ишлари бир йилдан ортиқка ўзгаририлганда;

5. Объектни реконструкция қилиш ишлари муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Агарда, Пудратчининг айби билан реконструкция қилиш ишлари муддати узайтирилса, шартномавий нархлар жорий нархларга ўтказилмайди.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

7. Лойиха-смета хужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айrim иш ҳажмлари ва харажатлари смета хужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айrim харажатлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун обьектнинг умумий қиймати доирасида асословчи хужжатлар асосида Буюртмачи ва Бош Буюртмачини хабардор қилган ҳолда йўналтирилиши мумкин.

#### **IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

8. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

реконструкция ишлари бошланишдан олдин объектда реконструкция ишларини олиб бориш даври учун, Пудратчи иштирокида реконструкция қилинаётган йўл қисмини ва ундаги мавжуд йўл элементларини далолатнома асосида йўлдан фойдаланувчи ташкилотдан қабул олади ва қурилиш-монтаж ишлари якунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотта топширади. Реконструкция қилиш ишлари олиб борилаётган даврда ушбу йўл қисмida йўл ва йўл иншоатлари элементларини саклаш ишларини амалга оширади;

объектнингижро хужжатларини расмийлаштириш ва Буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

шартнома шартларига асосан объектни Буюртмачига тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиҳа-смета хужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойиҳачи ташкилотнинг тегишли хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни амалга оширади; зарур ҳолларда қурилиш майдони худудида вақтингчалик иншоотлар қуради;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтингчалик бинолардан бўшатади;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлайди;

ўрнатилган тартиба объектни суғурталанишини таъминлайди;

Буюртмачининг хизматлари харажатларини қоплайди;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вактида яъни 45 календар куни давомида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

войиҳа-смета хужжатларига асосан мухандислик коммуникацияларни қуриш, кучириш (газ, алоқа, сув, канализация, электр утказиш тармоклари ва ҳаказо) бўйича маҳсус ёрдамчи пурдат ташкилотларини жалб қилган ҳолда қурилиш-монтаж ишларини бажаришни ўз зиммасига олади.

9. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **V.**

#### **БОШ БЮОРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

10. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ равиша қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Пудратчини зарур ҳолларда объектга айрим зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар билан таъминлаш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### **VI.**

#### **ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

11. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажарига киришади.

Мазкур шартнома бўйича белгиланган реконструкция қилиш ишларининг давом этиш вакти ишларни бажариш жадвалига асосан амалга оширилади.

12. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

13. Буюртмачи ва Пудратчи хар ойда бажарилган курилиш – монтаж ишларини “Маълумотнома-ҳисоб-фактура” билан расмийлаштирилади.

14. Объектнинг шартномавий жорий кийматидан 5 фоиз микдоридаги маблағ, объект давлат кабул комиссияси томонидан фойдаланишга қабул қилиб олинган кундан кафолат муддати утгандан кейин, лекин молиявий йил якунланмасдан олдин молиялаштирилади.

15. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳукукини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

16. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритишини талаб қилиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳукуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

17. Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

18. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳукуқига эгадир.

19. Пудратчи техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлади. Техник кузатувчи Буюртмачи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни хал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

20. Пудратчи курилиш даврида Буюртмачининг вакилини (техник кузатувчини) вактинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йўл қисмигача бориб келишига транспорт, курилиш майдонида иш жойи, лозим топилганда ётоқ жой (дала шароитида) таъминлашни ўз зиммасига олади.

21. Пудратчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро хужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан хар ойнинг 25 кунидан ойнинг охиригача объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро хужжатлари билан) кейинги ойнинг биринчи кунига қадар Республика йўл жамғармасига топширади.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

Ишларни бажариш жараёнида, ишлаш технологияси ва сифатини бузмаган ҳолда, ўз имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда ишлаш усули ва машина механизимларнинг бир туридан бошқа ишлаб чиқариш қуввати баланд/паст механизимларга алмаштириш ва амалда бажарилган иш ҳажмлари баҳосини аниқлашда Пудратчи амалдаги нарх ва механизимлар бўйича расмийлаштириш ҳукуқига эга.

22. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

23. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

24. Қурилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

25. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

26. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

27. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақтайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

28. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

29. Пудратчи ўзи томонидан курилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбобускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

30. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланнишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитекқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор киласди.

31. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқич) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади. Ишларни қуидаги таркибдаги комиссия қабул қилиб олади: Буюртмачининг вакили – техник назоратчи (раис), Пудратчи ташкилот вакили – иш бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур ҳолларда), йўлга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилоти вакили, лойиҳа ташкилоти вакили (кўтариб турувчи конструкцияларни қабул қилиб олишда). Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

32. Пудратчи Буюртмачининг ишларни қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейинги ишларни бажаришга киришади.

33. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига ва қийматига таъсир этмаганигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

Объектни реконструкция қилиш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралиқ ишларни қабул қилиб олишда Буюртмачи томонидан комиссия таркибида иштирок этиш учун ушбу объектга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилоти жалб этилиши мумкин.

Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш буюртмачи ва Пудратчи томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишлар ва йўлларнинг тугалланган конструктив элементларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан, миқдор ва қиймат кўрсаткичлари ҳисоб-китоб жадвалида акс эттирилган ҳолда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

34. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи Пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

35. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди.

36. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиши дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, кунлик ўртacha ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарida ўз фикрини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

37. Пудратчи ишлар бошланишидан реконструкция қилиш тугаллангунгача ва реконструкция қилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган

курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

## Х. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

38. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

39. Агар енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Буюртмачи ва Пудратчи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиласидилар.

40. Агар томонлар икки ой ичидаги келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бирин шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

41. Реконструкция қилиш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномаданазарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафида бажарилган кейин, шунингдек реконструкция қилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб шунингдек реконструкция қилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

Реконструкция қилинган объект ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) қўйидаги икки босқичда;

Объектнинг тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги туғрисида Пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин ишчи комиссиялар томонидан;

Ишчи комиссияси тавсияномаси ҳамда объектнинг фойдаланишга қабул қилиб олишга тақдим этиш туғрисида Пудратчидан хабарнома олингандан кейин давлат қабул комиссиялари томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

Пудратчи ташкилот томонидан ишчи комиссияга қўйидаги хужжатлар тақдим этилади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги руйхати;
- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари туплами ижро схемалари;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;
- йул қурилиш материаллари ва йул тўшмаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупроқ жинслари) синовлари журнallари, мувофиқлик сертификатлари;
- ишларни бажарииш ва муаллифлик назорати журнallари;

Ўзбекистон Республикаси “Давархитекткурилиш” кумитаси Давлат архитектуракурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан курсатилган камчиликларни бартараф этиш далолатномалари.

42. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги туғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси асосида Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

43. Пудратчи реконструкция қилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимiga мувофиқ Буюртмачига, Буюртмачи томонидан белгиланган таркибида икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи, Буюртмачига ушбу хужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

44. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўллардан фойдаланиш корхонаси балансига ўтади.

## XII. КАФОЛАТЛАР

45. Пудратчи:  
барча ишлар тўлик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лоиҳа-смета хужжатларига ҳамда қурилиш меъёrlари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларидага кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нұқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланғанда, үз хисобидан бепул бартараф этишни;

объектдан фойдаланилғанда мұхандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлады.

46. Объект ва унга кирадиган мұхандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар реконструкция қилиш түгелланған объектни қабул қилиб олиш түғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

47. Агар объектдан фойдаланишинг кафолатли даврида аникланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланиши давом эттириш имконини бермайдын нұқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нұқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нұқсонлар Пудратчи томонидан унинг үз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нұқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасыда қайд этилади.

48. Пудратчи нұқсонлар ва чала ишлар күрсатылған далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торған тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалға оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истиносно этмайди.

### XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

49. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилғанда;

ишларни тутагишининг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилғанда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

50. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилғанда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмагандан;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

51. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра туталланмаган қурилиш 1 ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилған ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

52. Мазкур шартномани бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра туталланмаган қурилиш 1 ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилған ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

53. Шартнома бекор қилинган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилған фойдани тўлайди.

54. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларидан ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

55. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплади;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ти Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларидан ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

Реконструкция қилиш ишларини олиб бораётган Пудратчи ташкилот қонунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ Буюртмачи олдида куйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

сифатсиз бажарилған қурилиш-монтаж ишлари;

объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланған муддатда туталлаганы;

Буюртмачи билан тузилған шартнома асосида қурилиш-монтаж ва бошқа иҳтисослаштирилған ташкилотлар томонидан ускуналарни монтаж қилиш муддатларини бузилиши;

объектнинг лойиха-смета хужжатларидан белгиланған ерларни рекультивация қилиш ишлари бажариш ҳажмлари ва муддатларининг бузилиши;

реконструкция қилиш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда Пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланған конструкция ва ишлардаги йўл қўйилған камчиликлар ва нұқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилған бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўлақонли бажармагани.

Пудратчи ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигига Буюртмачи, агар қонунчилик ёки шартномада бошқа шартлар кўзда тутилмаган тақдирда, Пудратчи ташкилотдан ўз ихтиёрига кўра қуидагиларни талаб қилиш хукуқига эга:

нуксонларни оқилона муддатларда ўз хисобидан бартараф этишни;

Агар Пудратчи ташкилот нуксонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, Пудратчи ёки йўлдан фойдаланувчи ташкилот ўз кучи билан Пудратчи хисобидан нуксонларни бартараф этиш хамда нуксонларни ўз вақтида бартараф этилмаганигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш хукуқига эга.

57. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганинги, ўз вақтида молиялаштирганинги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

58. Пудратчи томонидан обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

59. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг хulosаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдорида жарима ундириш хукуқига эга.

60. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганинги учун мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

61. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганинги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

62. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисоадий суди томонидан кўриб чиқилади.

## XVI. КОРРУПЦИЯВИЙ ҲОЛАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРПИ ҚОИДАЛАРИНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

63. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиб тўғрисидаги қонун хужжатларининг талаблари-га зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни ташкилот ходимлари ўз мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги яхуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олиш учун кўйидаги ҳаракатларни қилмайди:

- пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш;
- товламачилик қилиш;
- пора сифатида пул тўлаш;
- бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

64. Агар шартнома бўйича бир Томон ходимларининг аҳлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатларига зид келадиган хаттихаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид хукуқбузарлик содир этишга мажбуrlашдан

иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қўйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

### XVII. АЛОХИДА ШАРТЛАР

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алохидаги қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи Пудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартномага бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

72. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг худудий ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласи.

### XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

#### БЮОРТМАЧИ:

Кегейли Абаданластырыу баскармасы

Кегейли гузары №52

p/c: 23402000300100001010

л/c: 401722860352127045204110002

М.Б.Б.ХККМ. Тошкент шахри

МФО:00014, ИНН: 204647222

Кегейли Казнашылық болимбеси

ИНН казна : 201122919

#### ПУДРАТЧИ:

ООО «MAX ELIT STROY»

Адрес: Нукус шахри (Туртқул) гузори,  
38 уй

p/c: 20208000400852054001

банк: АКИБ Ипотека банк КК филиал

МФО: 00621

ИНН: 305129142

ОКЭД: 42210

Тел-факс, 94-900-24-44

Директор  М.Хощанов	Директор  А.Аллашов
--	--

94-903-24-44

Азат

**YURIDIKALÍQ ÁHMIYETKE IYE HÙJJETLERDIŃ NÍZAM  
HÙJJETLERINE MUWAPÍQLÍĞI HAQQÍNDA HUQÍQÍY**

**JUWMAQ**

**JP5211425122**

1. Joybardıń túri : Shárnama

2. Joybardıń ataması: **Xizmet kórsetiw haqqında.**

3. Joybardı islep shıǵıwshı hám kirgizilgen sáne haqqındaǵı maǵlıwmat: Kegeyli rayonı Abadanlastırıw basqarması tárepinen 21.10.2022 jılda kirgizilgen.

Joybar ámeldegi nızam hújjetlerine muwapiq islep shıǵılgan hám onı qabil etiw maqsetke muwapiq.

**Kegeyli rayonı  
Yuridikalıq xızmet  
kórsetiw orayı  
bas yuristkonsulti:**



**I.X.ALEUATDINOV**

21.10.2022



436635



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"MAX ELIT STROY" Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektlining tashkiliy-huquqiy shakli ko'satilgan holdagi to'liq nomi)

**"MAX ELIT STROY" MChJ**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

10.11.2017

552971

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

305129142

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Qoraqalpog'iston Respublikasi, Mo'ynoq tumani, Ajeniya koshesi raqamsiz,

Guvohnoma:

Qoraqalpog'iston Respublikasi, Mo'ynoq tumani, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxaldan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



## «ТАСТЫЙҚЛАЙМАН»

Кегейли раойны Абаданластырыу  
баскармасы баслыгы М.Хошанов  
2022-жыл

Кегейли раойны Абаданластырыу баскармасы “Товар-материалдык запаслар ҳем ислерди (хызметлерди) сатып алыш бойынша танлау комиссиясы”ның ен жақсы усынысларды тарап алыш бойынша откерилген

21-санлы мәжлис баянламасы  
2022-жыл 21 октябрь Кегейли районы

Катнасыушылар:  
Комиссия баслығы:

(Ф.И.Ш)  
М.Хошанов

Ағзалары

Қ.Бекмуратов  
П.Колдасов  
П.Гулимов

А.Отарбаев

Е.Қазакбаев

(Лаұазымы)

районлық Абаданластырыу баскармасы  
басылғы комиссия баслығы  
районлық Абаданластырыу баскармасы инженери  
Абаданластырыу баскармасы бас бухгалтери  
районлық Абаданластырыу баскармасы бөлім  
баслығы  
районлық Абаданластырыу баскармасы  
техникалық кадағалау қәнийгеси  
районлық Абаданластырыу баскармасы  
Инфраструктура бөлім қәнигеси, комиссия хаткери

### КҮН ТӘРТИБИ:

Кегейли раойны Абаданластырыу баскармасы—ен жақсы усынысларды тарап алыш комиссиясы баслығы М.Хошанов мәжлисте танлау комиссиясының 6 ағзасынан 6 адам катнасып атырғанлығын етеп, танлау комиссиясы мәжлисин ашық деп жариялады.

Танлау комиссиясы хаткери танлау комиссиясына төмөндеги маглыұматларды усынды:

Өзбекстан Республикасынын 2021-жылдың 22-апрелдеги 684-санлы “Мамлекет сатып алыштар үшінде Нызамының (текстте кейинги орынларда- Нызам) 58-статьясына мууапық ең жақсы усынысларды тарап алыш саудасы откерилийи хаккында арнаұлы информацион порталында (<http://dxarid.uzex.uz/>) дағаза танлау катнасыушыларының кабыл етиў мүддеті тамамланыуынан 5 (бес) жұмыс күн алдын мәмлекеттік буйыртпаши тәрепинен жеке кабинети арқалы жайластырылған 2022 жыл 12-октябрь күні № 22110012162255-санлы лот бойынша 2022-жыл 21-октябрь кунги \_\_-санлы баянламасы бойынша хеш кандай шагым келип туспеди.

Өзбекстан Республикасы “Мәмлекеттік сатып алыштар үшінде Нызамы талапларына ҳәмде жоқары көрсетилген маглыұматларды есапқа алыш Танлау комиссиясы

### ҚАРАР ЕТЕДИ:

1. Кегейли раойны Актуба АПЖ аймагындағы Досым ата койымшылығы касындағы трассадан койымшылықка хам касындағы 0,850 км ишки жолын онлау жұмысларын әмелге асырыёткерилген тарап алыш хужжетлеринде ҳем танлау шәртлери бойынша ең жақсы шәртлерди усынған ҳем тарап алыш женимпазы деп табылған «MAX ELIT STROY» ЖШЖ 205 874 012 сум (КҚС пenen бирге) менен шартнама дүзилсін.

2. Женимпаз мекеме тарап алыш шәртлери тийкарында шәртнама дүзиүден бас тартқан жағдайда шартнама дүзиү хуқуқы кейинги катнасышы (резерв) етеп, «DANIYAR AVTO SERVIS» ЖШЖ белгиленсін. Бунда женимпаз катнасышы усыныс еткен суммасынан аспаған муғдарда шәртнама дүзиү мүмкінлигі белгилеп койылсын.

3. Нызам талапларына муýапық таңлаý қатнасышыларының усынысларын көрип шығыў хәм баýалаў мүддети усыныслар бериў тамам болыўынан 10 (он) күнинен асып кетиўи мүмкін емеслиги мағлұймат ушын қабыл етилсін.

4. Мекеменинбас есапшысы –П.Колдасовка танлау алыу жуумагы бойынша женимпазы менен шартнама хужжетлерин таярлау хамде шартнама дүзилген сон 3 (уш) жумыс куни ишинде арнаулы информацион порталына ([www.xarid.uz](http://www.xarid.uz)) жайластырыу тапсырылсын.

5. Танлау комиссиясы хаткери (Е.Казакбаев), усы танлап алыу тийисли барлык хужжетлерди белгиленген тартиппе сакланыуын тамийнлесин.



Қ.Бекмуратов

П.Колдасов

П.Гулимов

А.Отарбаев

Е.Қазакбаев

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 162255 на приобретение Текущий ремонт региональных дорог "Актуба ОФЙ худудидаги Досым ата мозори ёнидаги трассадан мазоригача ва атропидаги йуллар" на участке 0-0,85 км Кегейлийского района**

Способ проведения электронный

Дата 19.10.2022

Время рассмотрения 19.10.2022 17:27

Закупочная комиссия Кегейли абаданластырыу баскармасы, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	XOSHANOV MAXSETBAY SARSENBAYEVICH	Руководитель	Кегейли Абаданластырыу баскармасы
Секретарь комиссии	GULIMOV PARAXAT OTARBAYEVICH	Болим баслык	Кегейли Абаданластырыу баскармасы
Член комиссии	BEKMURATOV KUATBAY KALBAYEVICH	Гл.инженер	Кегейли Абаданластырыу баскармасы
Член комиссии	OTARBAYEV ALMAS PARAXATOVICH	Тех.надзор	Кегейли Абаданластырыу баскармасы
Член комиссии	QAZAQBAYEV YESENKELDI KALLIBEKOVICH	Специалистъ	Кегейли Абаданластырыу баскармасы
Член комиссии	QOLDASOV POLAT MURATOVICH	Гл.бухгалтер	Кегейли Абаданластырыу баскармасы

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 19.10.2022 года № лота 162255.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Текущий ремонт региональных дорог "Актуба ОФЙ худудидаги Досым ата мозори ёнидаги трассадан мазоригача ва атропидаги йуллар" на участке 0-0,85 км Кегейлийского района
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	216 709 486.00
Стартовая сумма	216 709 486.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Курилиш ишлари буйича балансида техника механизмлари булиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш ишлари буйича балансида техника механизмлари булиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SOLAR SERVISE NUKUS	20	ООО SOLAR SERVICE NUKUS	10	Экспертная		
УП КЕГЕҮЛІ ТУМАН ЙО'ЛЛАРДАН F	20	Техника дизими	20	Экспертная		
ООО DANIYAR AVTO SERVIS	20	210208201	20	Экспертная		
МЧЖ АЛЛАЯР КАНЛЫ	20	Курилиш ишлари буйича балансида техника механизмлари	20	Экспертная		
БЕРУНИЙ ТИФ UK	20	200000000	20	Экспертная		
ООО MAX ELIT STROY	20	Документ прикреплен	20	Экспертная		
ООО SHOBBOZ TOSH	20	195038537	20	Экспертная		

Критерий №2 Олий малумотга эга булган1 нафар раҳбар ходим -умумий иш стажи 2 нафар олий маълумотли лойиха бош мухандиси

Тип: Текстовое значение

Описание: Олий малумотга эга булган1 нафар раҳбар ходим -умумий иш стажи 2 нафар олий маълумотли лойиха бош мухандиси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SOLAR SERVISE NUKUS	20	ООО SOLAR SERVICE NUKUS	15	Экспертная		
УП КЕГЕҮЛІ ТУМАН ЙО'ЛЛАРДАН F	20	Ислеушилер дизими	20	Экспертная		
ООО DANIYAR AVTO SERVIS	20	210208201	20	Экспертная		
МЧЖ АЛЛАЯР КАНЛЫ	20	Данные сотрудников	20	Экспертная		
БЕРУНИЙ ТИФ UK	20	200000000	15	Экспертная		
ООО MAX ELIT STROY	20	Документ прикреплен	20	Экспертная		
ООО SHOBBOZ TOSH	20	195038537	20	Экспертная		

Критерий №3 Банқдан карздорлиги хаккидаги катнашувчи корхоналар техник топширикда курсатилган барча талабларга жавоб бериши керак Акс холда савдодан шетлатиласи

Тип: Текстовое значение

Описание: Банқдан карздорлиги хаккында катнашувчи корхоналар техник топширикда курсатылған барча талабларга жавоб беріши керак Акс холда савдодан шетлатылады

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SOLAR SERVISE NUKUS	20	ООО SOLAR SERVICE NUKUS	20	Экспертная		
УП КЕГЕҮЛІ ТУМАН ТОЛЛАРДАН F	20	Банк справка хам ақырғы З жыллық акт вводлар	20	Экспертная		
ООО DANIYAR AVTO SERVIS	20	210208201	20	Экспертная		
МЧЖ АЛЛАЯР КАНЛЫ	20	Банқдан карздорлиги	20	Экспертная		
БЕРУНИЙ ТИФ ИК	20	200000000	20	Экспертная		
ООО MAX ELIT STROY	20	Документ прикреплен	20	Экспертная		
ООО SHOBBOZ TOSH	20	195038537	10	Экспертная		

Критерий №4 Корхонанин устави ва гуохномаси керак

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхонанин устави ва гуохномаси керак

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SOLAR SERVISE NUKUS	20	ООО SOLAR SERVICE NUKUS	20	Экспертная		
УП КЕГЕҮЛІ ТУМАН ТОЛЛАРДАН F	20	Устав, гуахнама	20	Экспертная		
ООО DANIYAR AVTO SERVIS	20	210208201	20	Экспертная		
МЧЖ АЛЛАЯР КАНЛЫ	20	устав и гуахнама	20	Экспертная		
БЕРУНИЙ ТИФ ИК	20	200000000	10	Экспертная		
ООО MAX ELIT STROY	20	Документ прикреплен	20	Экспертная		
ООО SHOBBOZ TOSH	20	195038537	20	Экспертная		

Критерий №5 Объектни куздан кечирганды туғрисида мәлумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектни куздан кечирганды туғрисида мәлумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SOLAR SERVISE NUKUS	20	ООО SOLAR SERVICE NUKUS	20	Экспертная		
УП КЕГЕЙЛИ ТУМАН ЙО'ЛЛАРДАН	20	Объектни кузден откергенлиги хаккында маглыумат	20	Экспертная		
ООО DANIYAR AUTO SERVIS	20	210208201	20	Экспертная		
МЧЖ АЛЛАР КАНЛЫ	20	Объектни куздан кечиргиллиги түгрисида маълумотнома	20	Экспертная		
БЕРУНИЙ ТИФ UK	20	200000000	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
ООО MAX ELIT STROY	20	Документ прикреплен	20	Экспертная		
ООО SHOBBOZ TOSHI	20	195038537	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО SOLAR SERVISE NUKUS	216 709 486.00	212 700 000.00 UZS	212 700 000.00	00.00	212 700 000.00	16.10.2022 12:20:04	9.67908
ООО DANIYAR AUTO SERVIS	216 709 486.00	210 208 201.00 UZS	210 208 201.00	00.00	210 208 201.00	17.10.2022 15:24:52	9.79381
МЧЖ АЛЛАР КАНЛЫ	216 709 486.00	212 375 300.00 UZS	212 375 300.00	00.00	212 375 300.00	17.10.2022 17:34:25	9.69388
ООО MAX ELIT STROY	216 709 486.00	205 874 012.00 UZS	205 874 012.00	00.00	205 874 012.00	18.10.2022 15:55:21	10
УП КЕГЕЙЛИ ТУМАН ЙО'ЛЛАРДАН	216 709 486.00	214 000 000.00 UZS	214 000 000.00	00.00	214 000 000.00	17.10.2022 14:54:29	9.62028

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
БЕРУНИЙ ТИФ UK	Не прошел	Не прошел	Не прошел
ООО SOLAR SERVISE	76.5	9.67908	86.17908

NUKUS			
ООО DANIYAR AVTO SERVIS	90	9.79381	99.79381
МЧЖ АЛЛАЯР КАНЛЫ	90	9.69388	99.69388
ООО MAX ELIT STROY	90	10	100
УП KEGEYLI TUMAN YO'LLARDAN F	90	9.62028	99.62028
ООО SHOLBOZ TOSI	Не прошел	Не прошел	Не прошел

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 162255 от 19.10.2022 года на приобретение Текущий ремонт региональных дорог "Актуба ОФИ худудидаги Досым ата мозори ёнидаги трассадан мазоригача ва атропидаги йуллар" на участке 0-0,85 км Кегейлийского района определила победителем:

ООО MAX ELIT STROY  
МОЛДАВИД



и резервный исполнитель: ООО DANIYAR AVTO SERVIS (301418506)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	XOSHANOV MAXSETBAY SARSENBAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	BEKMURATOV KUATBAY KALBAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	OTARBAYEV ALMAS PARAXATOVICH	Согласен	
Член комиссии	QAZAQBAYEV YESENKELDI KALLIBEKOVICH	Согласен	
Член комиссии	QOLDASOV POLAT MURATOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП